

Адлия Вазирлиги хузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги
Тошкент вилояти Бекобод
шахар давлат хизматлари
маркази томонидан «22» 01 2019 й
№265 сон билан руйхатдан утказилди

Д.Х.М. директори



У.Мирзаев

“ТАСДИҚЛАНГАН”
«Bekobodsement» aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг
2018 йил 12 декабрдаги
умумий йиғилиши қарори билан
(2018 йил “22” декабрдаги З-2018-сонли
баённома)



**«Bekobodsement»
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ
(ЯНГИ ТАҲРИР)**

2019 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Бундан бўён матнда “Жамият” деб аталувчи «Бекободцемент» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитасининг 1994 йил 11 ноябрдаги 697-к-ПО-сонли буйруғига асосан ташкил этилган. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: **«Bekobodsement» aksiyadorlik jamiyati.**

кирилл ёзувида: **«Бекободцемент» акциядорлик жамияти.**

Рус тилида: **Акционерное общество «Бекабадцемент».**

Инглизтилида: **Joint stock company «Bekabadsement».**

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: **«Bekobodsement» AJ.**

кирилл ёзувида: **«Бекободцемент» АЖ.**

Рус тилида: **АО «Бекабадцемент».**

Инглиз тилида: **JSC «Bekabadsement».**

1.4. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бекобод шахри, Истиқлол кўчаси, 20-үй. Индекс: 110503.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@bekabad-cement.com

1.6. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.bekabad-cement.com.

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мulkка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мulkка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даввогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият қўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлиdir.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери қўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам қўрсатилиши мумкин.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мulk билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш хуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг файриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш хуқуқига ушбу уставида бу хуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.11. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш хуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши окибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу хуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб хисобланади.

2.12. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОХАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишdir.

3.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- қурилиш материалларини ишлаб чиқариши - цемент, алебастр, конструкция, ва бошқа маҳсулотлар;
- барча турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, шу билан бир қаторда чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланиш;
- қурилиш, лойиҳа-қидирув, лойиҳа-смета ишларини амалга ошириш, объектларни реконструкция қилиш;
- архитектура фаолияти;
- бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш.

Жамият қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

4.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Жамиятнинг устав капитали 684 828 000 сўмни ташкил қиласди. У ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 6 718 200 дона оддий ва 130 080 дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

4.3. Жамият ташкил этилганда, унинг устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади, қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

4.4. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.5. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.6. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига

күшімча равища чиқариши мүмкін бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 100 сўм бўлган 2 000 000 000 дона оддий ва 1 000 000 000 дона имтиёзли акциялардан иборат.

4.7. Устав капиталини күшімча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган күшімча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

4.8. Кўшімча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

4.9. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.10. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

4.11. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мүмкін. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мүмкін эмас.

4.12. Имтиёзли ҳуқуқка эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

4.13. Кўшімча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

4.14. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг кўшімча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшімча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

4.15. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа карздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

б) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

4.16. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мүмкін.

4.17. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

4.18. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади

ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

5.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.

Акцияларга эгалик ҳуқуки депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

5.2. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тұгатилган тақдирда унинг мүлклари таксимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

5.3. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

5.4. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфидан қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг таксимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган teng ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

5.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равиша да тақсимланади.

Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида биринчи навбатда дивиденд олиш ҳукуқини беради.

5.7. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги хақида аудиторлик хulosasi мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

6.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аникланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

6.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

6.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.

6.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ

7.1. Жамият бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бош директор).

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

8.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда 30 июнда ўтказилади.

8.3. Жамиятнинг бир фойиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш хуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

8.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қўйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- тафтиш комиссиясини сайлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисбот;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қурилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари;
- фойда ва заرارларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хуласаларини эшлиши;
- йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

8.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирirdagi уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва яқуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - устав капиталини камайтириш;
 - жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
 - жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш,
- тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий ўйналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга

ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшлиши;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конунинг 35-моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиштўғрисида”ги Конунинг 8-бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битам тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилишт ўғрисида”ги Конунинг 9-бобига асосан Жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиши тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойихаларнинг Жамиятнинг ривожланиш максадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг жорий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига ва ижроия органига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- электрон почта орқали (электрон рақами имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алока тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- саноқ комиссиясига амалий қўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
- қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

8.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборотлар ягона порталаша жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варагига киритилган бўлса,

мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

8.10. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

8.11. Жамиятнинг миноритар акциядорлари хужжатларни асосиз равища талаб қилиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

8.12. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чакирилади ва ўтказилади.

IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1. Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

9.3. Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камиди бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда сайланалиши мумкин.

9.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қурилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равища эшлиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг ижроия органи (Бош директорини) сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Бош директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай

тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгashi зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгashi ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувани, шу жумладан ҳалқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисботларнинг ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;
- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ёки тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);
- қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият бизнес-режасида кўзда тутилган ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш ажратмасининг ҳар бир чоракда 15 фоизидан ортиқ бўлган ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- кузатув кенгashi қошида кузатув кенгashi, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган эксперtlар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишли гурухлари) ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.5. Кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгashiга сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият

кузатув кенгаши таркибиға сайланган деб ҳисобланади.

9.6. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

9.7. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик килади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини имзолайди.

9.8. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

9.9. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

9.10. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш хукуқига эга.

9.11. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.12. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алокаси бўйича ҳамда уяли алоқа орқали иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

9.13. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

9.14. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

X. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Бош директор томонидан амалга оширилади. Бош директор ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

10.3. Бош директор Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

10.4. Бош директор қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисбот беради.

10.5. Бош директор кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). У билан меҳнат шартномаси Жамият номидан кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши томонидан ишонч билдирилган кузатув кенгаши аъзоси имзолайди.

10.6. Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар

ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

10.7. Бош директорга тўланадиган хақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган тартибда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

10.8. Бош директор ваколатига қўйидагилар киради:

- Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш;
- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшлиши;
- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соғ активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;
- Жамиятнинг асосий воситларини ҳисобдан чиқариш;
- фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган обьектларни консервация қилиш;
- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамият номидан битимлар тузиш,
- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- Конун хужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;
- йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вактида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги хужжатлар бутлигини таъминлаш;
- жамиятнинг бизнес-режасида кўзда тутилган ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз

ёрдам кўрсатиш ажратмасининг ҳар бир чоракда 15 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

• Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўрсатилиб ўтилган ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш жамият ижроия органи томонидан кейинчалик кузатув кенгаши томонидан тасдиқланishi шарти билан амалга оширилиши мумкин.

10.9. Бош директорнинг мажбуриятлари:

- жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

- ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажариш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

- жамият Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида хисобот бериш;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлаш;

- жамият таркиби тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

- жамият фаолиятида қонун хужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички хужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бош директор қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

10.10. Бош директор ўз ваколатлари ва мажбуриятларини амалга оширища Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши ва Жамият фаолиятидан максимал даромад олишини таъминлаши лозим. Улар қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

10.11. Бош директор мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

XI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлади. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

11.2. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамият ижроия органи молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

11.3. Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳакли.

11.4. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

11.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хуносада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

• бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.7. Тафтиш комиссиясининг хulosаси мазмунига қўшимча талаблар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

11.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимларёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя килиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда кузатув кенгашининг мажлисида ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.9. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

11.10. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

11.11. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидлари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат килади ҳамда баҳолайди.

11.12. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фойздан ортиқ улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

11.13. Жамиятда кузатув кенгashi қарори билан кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

11.14. Жамият корпоратив маслаҳатчининг фаолияти жамият кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

12.3. Мазкур Устав ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

«Бекободцемент»
Бош директори



Яковлев М.В.

1675435



**Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik xaqida
ma'lumotnoma**

22.01.2019 r

O'zgarishdan oldin	O'zgarishdan keyin
Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi
1 200459808, BEKOBODSEMENT	<i>O'zgarishlarsiz</i>
2 THSh	THSh
Aksiyadorlik jamiyatি	<i>O'zgarishlarsiz</i>
3 Faoliyat yuritish manzili Toshkent viloyati, Bekobod shahri, ISTIQLOL , 20,	Faoliyat yuritish manzili <i>O'zgarishlarsiz</i>
4 IFUT	IFUT
Sement ishlab chiqarish	<i>O'zgarishlarsiz</i>

O'zgarishdan oldingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	200459808	BEKOBODSEMENT	684 828 000.00	100.0 %
Ustav fondi	684 828 000.00 UZS			100.0 %

Toshkent viloyati, Bekobod shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI
Imzo : 979.GULMIRA KHALIKULOVA RIZAKULOVNA